

## **ЎҚИТУВЧИНИНГ КОГНИТИВ МОБИЛЛИГИ: ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ, МАЗМУН, МОҲИЯТ ВА ТУЗИЛМА**

**Ибрагимов Аъламжон Амриллоевич,**  
Самарқанд вилояти ХТХҚТМОҲМ доценти, п.ф.ф.д

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада ўқитувчининг когнитив мобиллигини ривожлантиришга оид бўлган тадқиқот ишлари таҳлили, шунингдек, тушунчанинг педагогик амалиётга кириб келиши, қўлланилиши, мазмуни, моҳияти ва тузилмаси келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *мобиллик, касбий мобиллик, когнитив мобиллик, моҳиятни ифодаловчи функциялар, тузилма, тузилма ташкил этувчилари.*

### **АННОТАЦИЯ**

*В статье представлен анализ исследований, касающихся развития когнитивной мобильности учителя, а также показаны пути внедрения понятия в педагогическую практику; раскрыты способы применения, содержание, сущность, структура.*

**Ключевые слова:** *мобильность, профессиональная мобильность, когнитивная мобильность, функция, структура, компоненты структуры.*

### **ABSTRACT**

*The article provides an analysis of research work related to the development of cognitive mobility of the teacher, as well as the introduction, application, content, essence and structure of the concept in pedagogical practice.*

**Keywords:** *mobility, professional mobility, cognitive mobility, essential functions, structure, structure constituents.*

### **КИРИШ**

Таълим сифати ва педагог ходимлар касбий маҳоратига қўйиладиган талабларнинг тўхтовсиз ошиб бораётганлиги ўқитувчининг ўз фаолиятини янгича ёндашувлар асосида ташкиллаштириши лозимлигини тақозо қилади. Чунки замонавий ўқитувчи нафақат ўзининг касбий маҳорати ва юқори малака даражаси, балки интеллекти, инновацион жараёнлардаги фаол иштироки, меҳнат фаолияти самарадорлиги ҳамда натижаларини лойиҳалай олиши, вазиятларни тўғри баҳолаш ва киришимли бўлиш, ўз ишига танқидий, ижодий ёндашиш, ташқи таъсирларга бардошли, ахборотларни тезкор топиш ва қайта ишлаш, ҳаракатчан, ташаббускор бўлиши билангина таълим муҳитида рақобатбардошлигини сақлаб қолади.

Мазкур талаблар ўқитувчидан узлуксиз равишда ўқиш, билимларини ривожлантириш, ўзгаришларга тезкор мослашиш, қарорлар қабул қилиш тезлиги, касбий ўсиш нуқталарини аниқлай олиш ва бошқариш, ўз мавқеини мустаҳкамлаши, миссиясини ростлаши ҳамда доимий фаол бўлишини ифодаловчи когнитив мобилликга эга бўлиш заруриятини белгилайди.

Луғатларга мурожаат қилинганда “мобиллик” атамаси “ҳаракатчан, кўзгалувчан” [15, 605-б.], “ҳаракатчан, тезкор ҳаракатга, кўзгалишга лаёқатли” [10, 496-б.], “ҳиссий ҳолатларнинг алмашиши, тафаккур тезлигининг намойиши, енгил ва тез-тез ўзгарувчан, бир жойдан иккинчи жойга тезкор кўчишга лаёқатли бўлиш” [14, 629-б.] каби маъноларни англатиши кузатилди.

Ўз-ўзини доимий ривожлантириш, ўзгаришларга, янги ва кутилмаган вазиятларга тезкор муносабат билдириш ва мослашиш қобилиятига эга ўқитувчига нисбатан мобил тушунчасини қўллашимиз мумкин. Чунки, айнан шу турдаги ўқитувчигина ўзининг бош ғоясини тўла англайди, ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланаётганлигини онгли равишда таҳлил қилади, касбий фаолликни намойиш қилади ва амалий ҳаракатларга киришувчан бўлади. Демак, мобилликни фақатгина шахснинг жисмоний ҳаракатчанликка бўлган қобилияти эмас, балки унинг психологик хусусиятлари, когнитив ва ҳиссий жараёнларнинг ҳаракатчанлиги сифатида ҳам англашимиз мумкин.


## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Мобиллик тушунчаси дастлаб ўтган асрнинг бошларида америкалик социолог олим Питирим А. Сорокин тадқиқотларида учрайди. Унинг фикрича мобиллик “инсоннинг ёки ижтимоий объектнинг маълум бир ижтимоий вазиятдан бошқасига кўчиши”ни ифодалайди [21]. Тадқиқотчи индивидуал ва гуруҳли ижтимоий мобилликни тадқиқ қилиш асносида уларни вертикал ва горизонтал турларга ажратади ҳамда мазкур тушунчанинг илмий атама сифатида вужудга келишини дунё миқёсида инсон мақомининг ўзгариши билан боғлиқ жараёнларни ифодалаш зарурияти билан изоҳлайди.

Сорокиннинг тадқиқотлари кейинчалик кўплаб социолог олимлар томонидан [6, 16, 17, 20, 19] давом эттирилди ҳамда мобилликнинг инсон капиталининг бойишига, унинг шахсий ривожланиш, янги билимларни эгаллаши ва алмашиши, тилларни ўрганиши, маданиятлараро кўникмаларини ривожлантириши орқали ҳаётда ўз ўрнини топиши ва иш жойи билан таъминлай олиш даражасида кўмак беришига эътибор қаратдилар.

Тадқиқотчиларнинг [9, 7-б.] фикрича мобилликни бундай тушуниш уни таълим воситаси, шарти ёки омили сифатида қараш имконини беради.

Педагогика ва таълим соҳасига оид жараёнларга мобиллик атамаси “академик мобиллик”, “касбий мобиллик” тушунчалари шаклида амалиётга кирди. Мобиллик тушунчаси педагогик амалиёт ва тегишли адабиётлар таҳлилида қуйидаги кўринишларда шакланганлиги ҳамда ривожланганлигини эътироф этиш мумкин: академик, касбий, шахсий, коммуникатив, инновацион, ахборот, когнитив (1-расм).



1-расм. Педагогика ва таълим жараёнида мобиллик турлари

Демак, қайд қилиш мумкинки, кейинги давр педагогика назарияси ва амалиётида мобиллик тушунчаси жараён ҳамда шахсининг интеграл хусусияти сифатида бирмунча кенг тадқиқ қилинмоқда. Изланишларимиз мазмунида ўқитувчининг касбий ва когнитив мобиллиги тадқиқ қилинади. Чунки, касбий мобиллик ўзида когнитив таркибнинг мавжуд бўлишини зарурий омили сифатида тақозо қилади.

Ўқитувчининг касбий мобиллиги унинг фаолияти мазмунини ўзгаришига тезкор мослашиш имкониятини яратади. Яъни, касбий мобиллик ўқитувчи шахсининг маълум қобилиятининг эмас, балки касбий фаолиятини ташкил қилиш, ривожлантириш, мослашувчан тафаккурга эга бўлиш, янгиликларни

қабул қилиш ва уларни жараёнга самарали сингдиришнинг уйғунлигини ифодалайди.

Илмий адабиётларда касбий мобиллик [1, 3, 7, 8, 18] ўқитувчининг ўқув-тарбиявий фаолиятга тайёрлиги, янги иш шароитларига мослашиши ва ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти, касбий фаолиятининг бир даражасидан юқорисига моҳирлик билан ўтиши, таълимга доир инновацияларни ўзлаштириши ҳамда касбий ривожланиш суръатини ифодаловчи интеграл сифат шаклида эътироф этилади. Касбий мобиллик шахснинг турли муаммоли вазиятларга нисбатан таъсирчанлиги самарасини ифодаловчи асосни, шунингдек, атроф-муҳит ва руҳиятида кечаётган ўзгаришларга бўлган мустақкам шахсий манбаини тақил қилади.

Мавзуга доир изланишлари натижасида Л.В.Горюнова [4] касбий мобилликнинг назарий моделини ишлаб чиқди. Унга кўра, касбий мобиллик модели шахснинг таълим соҳасида касбий компетенциялардан иборат яхлитлик, ўзгаришларга тайёрлик ва фаоллик каби сифатлардан таркиб топади. Тадқиқотчи замонавий дунёнинг “юқори даражадаги турбулентлик” шароитида ходим учун узлуксиз ўқиш ва қайта ўқиш, ўзгаришларга тезкор мослашиш, мустақил равишда ўз мавқеини ошириб боришни бошқариш имконини берувчи тузилма ва қобилиятларининг муҳимлигини асослаб беради. Мазкур тузилмада когнитив таркиб касбий мобилликнинг асосини ташкил қилувчи мустақил блоклардан ташкил топади (1-жадвал).

1-жадвал.

Касбий мобилликнинг когнитив таркиби

“ўзгаришларга тайёрлик”	“фаоллик”
<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўзгаришга хоҳиш;</li> <li>- шахсий ҳаёти ва фаолиятига аҳамиятга молик ўзгаришлар киритишга тайёрлик;</li> <li>- креативлик;</li> <li>- тезкор қарорлар қабул қилиш;</li> <li>- кўп ўқишга лаёқат;</li> <li>- атроф-муҳит ҳолатини кузатиш ҳамда тўғри баҳолаш кўникмаси ва б.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- нотаниш касбий шароитларга мослашиш ва уларни ўзгартира олиш қобилияти;</li> <li>- эришиладиган мақсадларни мустақил қўйиш ва уларни амалга ошириш қобилияти;</li> <li>- турли хил ижтимоий алоқаларни куриш ва ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш кўникмаси;</li> <li>- натижаларни олдиндан кўриш ва</li> </ul>

интенсив фаолиятни тартибга солиш ва б.

Ўқитувчининг когнитив мобиллиги мураккаб тузилмага эга бўлиб етарлича ҳажм ва турли ёндашувларни ўзида акс эттиради. Мазкур тушунчанинг мазмунини аниқлаш учун тадқиқотчилар томонидан келтирилган муаллифлик талқинларининг контент-таҳлилидан фойдаланамиз (2-жадвал).

2-жадвал.

“Когнитив мобиллик” тушунчасининг контент-таҳлили

Манба	Муаллифлик талқини
Аракелова Г.Л. Взаимное обучение как условие развития когнитивной мобильности у будущих учителей: автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Екатеринбург, 2006. – 26 с [2, 11-б.].	Педагогнинг когнитив мобиллиги – бу шахснинг замонавий педагогик воқеликнинг ўзгарувчан шароитларида муаммоларни конструктив ҳал қила олиш қобилияти ҳамда тайёрлигини ифодалайдиган, мотивацион, креатив ва рефлексив таркибга эга бўлган интегратив хусусиятидир.
Поддубская Е.А. Развитие когнитивной мобильности педагога в процессе дополнительного образования взрослых: автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Минск, 2017. – 27 с [11, 10-б.].	Педагогнинг когнитив мобиллиги – бу педагогнинг таълим муҳитидаги ўзгарувчан шароитларга унумли мослашишини белгилайдиган билиш соҳасига доир интегратив суръатини ифодалайди.
Дементьева О.М. Место познавательной мобильности в структуре познавательных процессов // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 6-0. – С. 485-491 [5, 487-б.].	Педагогнинг когнитив мобиллиги – бу шахснинг тез эскирадиган ахборотлар шароитида билишга оид фаоллиги, қизиқиши ва эҳтиёжи, ўз-ўзини ривожлантиришга ва билишга оид шахсий фаолиятини замонавий талабларга мувофиқлаштириш қобилияти, ахборотлар, муаммолар билан ишлаш,

	<p>улардан хулосалар чиқариш кўникмаси, қизиқувчанлиги, диққатни кенг тақсимлаш, жамлаш ва катта тезликда йўналишини ўгартириш ҳамда дивергент тафаккурини ифодаловчи интегратив хусусиятидир.</p>
<p>Солоненко В.А. Развитие когнитивной мобильности студента как необходимое условие подготовки будущего специалиста // Вестник Брянского университета. – 2010. – № 1. – С. 117-119 [13, 118-б].</p>	<p>Когнитив мобиллик – бўлажак мутахассиснинг бошқарув фаолиятидаги ўзгарувчан вазиятларда муаммоларни ўз вақтида ва конструктив ечимини топишга доир тайёрлиги ва қобилиятини таъминловчи шахсий, эҳтиёж-мотивли, мазмунли-фаолиятли, креатив, коммуникатив ва ахборот компонентларидан иборат бўлган интегратив касбий-шахсий хусусиятидир.</p>

Бошқа тадқиқотларда ҳам шу тариқа ёндашувлар келтирилганлиги сабабли мазкур изоҳлар билан чекланамиз. Юқорида кўрсатиб ўтилган тадқиқот ишлари ҳамда шахсий кузатувлар асосида ўқитувчининг когнитив мобиллиги деганда касбий фаолиятига доир ўзгарувчан шароитларда ўз-ўзини ривожлантириш, муайян педагогик вазиятларда тезкор ечим топиш, касбий эҳтиёжларини англаш ва замонавий талабларга мослаштиришга тайёрлиги ва қобилиятини ифодалайдиган интегратив хусусиятини тушунамиз.

Педагогнинг когнитив мобиллигини илмий асослаш юзасидан изланишлар олиб борган Е.А.Поддубскаянинг [11, 12] фикрича, тушунчанинг моҳиятини таълим олувчиларнинг ривожланиши ва ўз-ўзини ривожлантириши учун қулай шароитларни яратиш мақсадида бирлашган ҳамда ўзаро боғлиқ бўлган компонентларнинг мураккаб тизимини ифодаловчи таълим жараёни нуқтаи назарида педагогик ҳодиса сифатида таҳлил қилиш мумкин. Тадқиқотчи когнитив мобилликни педагогик ҳодиса сифатида талқин қилар экан, уни қадриятли-мазмунли, ривожлантирувчи-башоратловчи, тартиблаштирувчи-коррекцион ва рефлексив-рағбатлантирувчи функциялари орқали ёритиш мумкинлигини эътироф этади (2-расм). Мазкур функцияларни белгилашда когнитив мобилликнинг ифодаланиш даражаси сифатида педагогнинг касбий-





шахсий тавсифи ҳамда таълим мақсадлари унумдорлигига эришилиши орасидаги маълум қонуниятларга асосланган алоқалар инобатга олинган.

Юқорида кўрсатилган функцияларнинг батафсил баёнини Е.А.Поддубскаянинг [11,12] ёндашуви асосида келтирамиз

*Қадриятли-мазмунли функция* муқаррар равишда касбий турғунликни вужудга келтирувчи адаптив хатти-ҳаракатлар моделига қарши ўлароқ ўқитувчининг эркин танлов шароитида онгли равишда касбий ривожланиш имконини афзал кўриши ва қўлдан бой бермаслигини ифодалайди. Педагогнинг узлуксиз ўз-ўзини ривожлантириши ва ўз фаолиятини лойиҳалаштиришга йўналганлигининг таълимий ва ижтимоий-маданий муҳитдаги доимий ўзгаришлар вазиятида заруриятга айланиши: шахснинг қайта ташкил топиши (фаол, масъулиятли, ижодкор), таълим мазмуни ва қадриятларнинг янгилиниши, янги ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, интернет глобал тармоғининг ривожланиши ва б.

Когнитив мобиллик ўқитувчининг касбий-шахсий ривожланиш белгиси бўлиб шахсий ва ижтимоий муҳим бўлган мазмуннинг яратилишига, маданий-педагогик тажрибанинг сақланиши ва бойишига кўмаклашади.





2-расм. Ўқитувчининг когнитив мобиллиги моҳиятини ифодаловчи функциялар

*Ривожлантирувчи-башоратловчи функция* касбий фаолиятнинг мўлжалланган моделларини лойиҳалаштириш ва уларни амалга ошириш учун истиқболли дастурларни ишлаб чиқишни ифодалайди. Педагогнинг таълим жараёнини тизимли таҳлил қилишга нисбатан когнитив сезгирлиги ўзаро таъсирни ташкил қилишнинг турли даражаларида вужудга келадиган зиддиятларни қайд қилиш, кузатиш, ўрганиш ва ташхис қилиш имконини беради. Бу вазиятларнинг конструктив ечими педагогик натижадорликнинг сифатини таъминлайди. Мисол учун: замонавий таълим амалиётида долзарб ва кўп дуч келинадиган, ўқувчиларнинг таълимга доир эҳтиёжлари ва ўқитувчининг вазиятни ўзгартиришга тезкор муносабати ўртасидаги номувофиқлик; шахсий аҳамиятга эга бўлган билимни лойиҳалаш устуворлигининг шаклланиши ва мутахассисда ахборотлар билан мустақил ишлаш кўникмасининг етарли эмаслиги; касбий фаолият давомида вазиятга ва унинг оқибатларига таъсир кўрсатишга бўлган хоҳиш ва ўзининг когнитив услублари ҳақида ахборотга эга бўлмаслик.

Касбий фаолиятда дуч келинадиган педагогик зиддиятлар ўқитувчининг вазиятни онгли равишдаги танлови сифатида муаммоли ҳолатларга сезирлик кўрсаткичи ҳисобланади ва когнитив мобиллигининг ривожланганлик даражасини акс эттиради.

*Тартиблаштирувчи-коррекцияловчи функция* ўқитувчининг ўз касбий фаолиятини бошқариш, аввалдан режалаштирилган стратегиялар ва тактикаларни тартибга солиш ва зарур ҳолларда тузатишлар киритишида турли



хил ижтимоий-психологик омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш имконини ифодалайди.

Когнитив мобилликнинг тартиблаштирувчи-коррекцияловчи функцияси педагогнинг бошқарув фаолиятида бутун таълим жараёни педагогик ўзаро таъсирни ташкиллаштириш, назорат қилиш, моделлаштириш ва башорат қилишда яққол намоён бўладиган ички аниқловчи вазифасини бажаради.

*Рефлексив-рағбатлантирувчи функция* педагогнинг ўзини шахс ва ўз касбининг устаси сифатида узлуксиз ижодий қайта тиклашга мотивацион тайёрлигини шакллантириш омили бўлиб, касбий ва шахсий ривожланишда эгалланган даражасини тизимли таҳлил қилиш, баҳолаш ва рағбатлантиришни ифодалайди.

Рефлексияга бўлган эҳтиёж, шахсий фаолиятида унумдор бўлмаган натижаларини қайд қилиш кўникмаси педагогда доимий касбий изланишда бўлишга рағбатни пайдо қилиш ҳамда ўзини педагогик воқелик субъекти, деб билиш ва таълим жараёнини бутун ҳодиса сифатида англашга хизмат қилади.

Ўқитувчининг когнитив мобиллигини тузилмавий жиҳатдан жараён ҳамда шахсий интегратив сифат ташкил этувчилари каби таркибий қисмларга ажратиш мумкин (3-расм).



3-расм. Ўқитувчининг когнитив мобиллиги тузилмаси

Жараён ташкил этувчиси ўқитувчининг ижтимоий ҳаёт, таълим муҳити ва педагогик фаолиятидаги билиш фаоллиги, ўзгарувчан вазиятларни бошқариш, тезкор мослашиш, мақсадга интилиш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш, ахборотлар билан ишлаш, ҳамкорлик мазмунини тушуниш ва тажриба алмашишни ифодалайди. Мазкур жараён ўқитувчида ностандарт вазиятларда тўғри ҳаракат усуллари танлаш, ақлий фаолият, рефлексия, мақсадни аниқлаштириш ва амалга ошира олиш кўникмаси ҳамда касбий фаолиятидаги муҳит ва вазият ўзгаришидан қатъий назар ўз имкониятларини рўёбга чиқаришни назарда тутди.

Шахсий интегратив сифат ташкил этувчиси ўқитувчининг ўз фаолиятини унумли бажаришга юқори мотивацияси, билимдонлиги, ўзгаришларга очиклиги, турли вазиятларга мослашувчанлиги, фикрлаш тезлиги, қизиқувчанлиги, ижодкорлиги ва фаоллиги каби хусусиятлари уйғунлигини ифодаловчи ички тайёрлигини билдиради. Шахсий интегратив сифатлар ўқитувчининг мукамал қиёфасини ҳосил қилади, унинг дунёқараши, тафаккур даражаси, фаолияти маҳсулини ҳис қилиши ва касбий хулқини такомиллаштиради.

### **ХУЛОСА**

Хулосада ўқитувчининг когнитив мобиллигини ривожлантириш педагогик воқеликнинг ҳозирги суръатида долзарб аҳамият касб этишини таъкидламоқчимиз. Когнитив мобиллик ўқитувчига таълим муҳитининг аниқ шароитлари билан тизимни меъёрловчи ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув дастурлари орасидаги номувофиқликлар таъсирини мумкин қадар камайтириш, ўқувчиларга алоҳида ёндашувни ҳосил қилиш, қутилмаган ҳолатлар, тезкор ўзгаришларга ортиқча куч сарфисиз мослашиш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Амирова Л.А. Развитие профессиональной мобильности педагога в системе дополнительного образования: автореф. дис. ... д-ра. пед. наук. – Уфа, 2009. – 43 с.
2. Аракелова Г.Л. Взаимное обучение как условие развития когнитивной мобильности у будущих учителей: автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Екатеринбург, 2006. – 26 с.
3. Биктуганов Ю.И. Методологические аспекты развития профессиональной мобильности учителя в системе дополнительного образования вуза. // Педагогическое образование в России. – 2013. – № 6. – С. 7-11.

4. Горюнова Л.В. Составляющие профессиональной мобильности современного специалиста // Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. – 2007. – № 1. – С. 63-68.
5. Дементьева О.М. Место познавательной мобильности в структуре познавательных процессов // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 6-0. – С. 485-491.
6. Жизненный путь поколения: его выбор и утверждение / под ред. М. Х. Титма. – Таллин: Ээсти раамат, 1985. – 370 с.
7. Игошев Б.М. Системно-интегративная организация подготовки профессионально мобильных педагогов: автореф. дис. ... д-ра. пед. наук. – Москва, 2008. – 43 с.
8. Калиновский Ю.И. Развитие социально-профессиональной мобильности андролога в контексте социокультурной образовательной политике региона: автореф. дис. ... д-ра. пед. наук. – СПб., 2001. – 43 с.
9. Котлярова И.О., Найданова Ю.В. Формирование мобильности личности в системе непрерывного образования: обзор / Вестник ЮУрГУ. Серия “Образование. Педагогические науки”, 2017. – Е. 9, № 2. – С. 6-26.
10. Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. – М.: “Эксмо”, 2006. – 944 с.
11. Поддубская Е.А. Развитие когнитивной мобильности педагога в процессе дополнительного образования взрослых: автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Минск, 2017. – 27 с.
12. Поддубская Е.А. Когнитивная мобильность педагога: сущность, структура, критерии развития // Весці БДПУ. Серія 1. Педагогіка. Психалогія. Філалогія. – 2010. – № 3. – С. 3-7.
13. Солоненко В.А. Развитие когнитивной мобильности студента как необходимое условие подготовки будущего специалиста // Вестник Брянского университета. – 2010. – № 1. – С. 117-119.
14. Толковый словарь английского языка / Под ред. А.Хорнби. – М.: Сигма пресс, 1995. – 850 с.
15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев ва б.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 672 б.
16. Desabie J. La Mobilite Sociale en France. Bulletin d’Information, 1956, pp. 25–63. (in Fr.)

17. Duncan O.D., Hodge R.W. Education and Occupational Mobility: A Regression Analysis. American Journal of Sociology, 1963, pp. 629–644. (DOI: 10.1086/223461)
18. Glinos I.A. Health professional mobility in the European Union: Exploring the equity and efficiency of free movement. – 2015. – Vol. 119. – № 12. – P. 1529–1536. (DOI: 10.1016/j.healthpol.2015.08.010)
19. Jones A.E. Social Mobility in Late Antique Gaul: Strategies and Opportunities for the Non-Elite. Cambridge, Cambridge Univ Press Publ., 2009. – 379 p. (DOI: 10.1017/CBO9780511596735)
20. Lipset S., Bendix R. Social Mobility in Industrial Society. Berkeley, Univ. of California Press Publ., 1967.
21. Sorokin P.A. Social and Cultural Mobility. The free Press of Glencoe, Illinois. – 654 p. – URL: <https://archive.org/details/in.ernet.dli.2015.275737>.